

## Мурононга этади давом

Институтимизда Маънавият-маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан китобхонлик маданиятини янада ошириш ва ижодкор ёшларни қўллаб-кувватлаш мақсадида “Мурононга этади” деб номланган тадбир ташкиллаштирилди.

Тадбирда Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор К.Шавазов, шоира, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мунаввара Усмонова, “Гуманитар фанлар” кафедраси ўқитувчиси Озода Шермуҳаммедова ва барча факультетларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосарлари ҳамда институтимизнинг ижодкор талабалари иштирок этишди.

Тадбирда талаба-ёшлар ўзларининг ижод намуналаридан ўқиб эшиттирдилар. Шу билан бир қаторда икки нафар “Гидромелиорация” факультети талабаси Қамариiddin Malik ҳамда “Қишлоқ ва сув хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” факультети талабаси Дилмурод Акбаровларнинг ilk шеърий тўпламларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ижодкор талабалар Сарвиноз Холова, Эъзоз Озодов, Абдуманон Сайдхонов, Ўлмас Назаров, Мирҳомид Сайфиев ва қатор истеъдодли талабаларимиз ўз ижод намуналари билан барчани лол қилдилар. Тадбир сўнгидаги фаол талабалар институт ёшлар иттифоқи кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Талаба-ёшлар бу сингари ижодий учрашувларни кўпроқ ва тизимли ташкил этиш лозимлигини ва бу каби тадбирлар маънавий жиҳатдан ҳар бир инсоннинг маълум маънода комилликка етаклашини таъкидладилар.



**Маънавият-маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Дилбархон  
Сиддиқова ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**